

“ДАЛВАРЗИНТЕПА” АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИГИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Равшанов С. А.

Усмонов Ф. Ф

“Маданий мерос илмий-тадқиқот институти”

Аннотация

Ушбу мақолада қадимий Далварзинтепа археология ёдгорлигининг шаклланиш тарихи, давлатчилигимиз тарихида ижтимоий-иқтисодий, маданий марказ сифатидаги ўрни ва аҳамияти, ушбу ёдгорликни музейлаштириш масалалари илмий таҳлил килинган, таклиф ва мулоҳозалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Кушон давлати, буддавийлик ибодатхоналари, шахристон, муҳофа истехкомлари, зардуштийлик дини, динлараро багрикенглик маркази, музейлаштириш, археология ёдгорлиги, зардуштийлик, маданий мерос объекти.

Annotation

This article presents a scientific analysis of the history of the formation of the archaeological monument of antiquity Dalvarzintepa, its place and significance as a socio-economic, cultural center in the history of our statehood, issues of museification of this monument, proposals and considerations are put forward.

Keywords: Kushan state, Buddhist temples, Shahrstan, defensive fortifications, Zoroastrian religion, interfaith tolerance center, museumification, archaeological monument, Zoroastrianism, cultural heritage object.

Аннотация

В данной статье представлен научный анализ истории формирования археологического памятника древности Далварзинтепа, его места и значимости как социально-экономического, культурного центра в истории нашей государственности, вопросы музеефикации этого памятника, выдвинуты предложения и соображения.

Ключевые слова: Кушанское государство, буддийские храмы, шахристан, оборонительные укрепления, зороастрийская религия, межконфессиональный центр толерантности, музеефикация, памятник археологии, зороастризм, объект культурного наследия.

I. КИРИШ

Ўзбек давлатчилиги тарихида катта аҳамиятга эга ва бўлган қадимий манбаларда алоҳида таҳлил этилган қадимги Кушон давлати пойтахти ҳисобланган Далварзинтепа жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида эътироф этилган. Кушон давлатининг ҳукмдорлари Кудзула Кадфиз, Канишка, Хувашка ва бошқалар даврида Далварзин шаҳри муҳим иқтисодий-сиёсий марказ сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ушбу даврда давлат дини сифатида буддавийликка оид ибодатхоналар барпо этилиб, улар ўз ҳашамати, улуғворлиги билан алоҳида кўзга ташланиб турган.

II. АСОСИЙ ҚИСМ

Далварзинтепа археология ёдгорлиги Кушон давлати, Қадимий Бақтриянинг шимолий ҳудудида пайдо бўлган Бақтрия, Юнон Бақтрия, Тохаристон, Кушон, эфталлийлар, Турк хоқонлиги, Чағаниён, Темурийлар давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида асосий ҳисса қўшганлиги билан машҳурдир. Кушон давлати маркази Далварзинтепа шаҳри 2 қисмдан яъни арк ва шаҳристондан иборат бўлиб унинг майдони 25х40 гектар бўлган. Шаҳарнинг пайдо бўлиши учун дастлабки манбалар милоддан аввалги 2-минг йилликларда турли хўжалик машғулотларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши натижасида милоддан аввалги 1-минг йиллик бошларида Қизилтепа, Далварзинтепа ва бошқа тарихий объектларда шаҳарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Академик И. Ртвеладзе ва археолог Б. Турғуновлар Далварзин мудофаа девори 40х40х42х10-12 смли хом ғиштлардан қилинганлигини 6.1 метр қалинликни ташкил этган мудофаа деворини қуришда грек-бақтрия усулидан кенг фойдаланиб девор устига кузатув миноралари қурилганлигини таҳлил этган.



1-расм. “Далварзинтепа” археология ёдгорлигидан лавҳа.

Шаҳар кучли мудофаа истеҳкомлари тизимига эга бўлиб, бу ерда асл зодагонлар, хунармандлар, кулоллар, савдогарлар, руҳонийлар истеҳкоми жойлашган. Далварзин шаҳри сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий ҳаётда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Кушон давлатининг иқтисодий маданий тараққиёти натижасида мамлакат тизимининг жанубий ҳудудларида давлатчилик бошқарув тизими мустаҳкам тараққий этиб, хўжалик, солиқ, пул муносабатлари, ҳарбий салоҳиятининг ўзига хос усуллари намоён бўлади. “Буюк ипак йўли” бўйлаб халқаро савдо ривожланганлиги учун қулай шароит яратилди. Шарқда шарқий Туркистоннинг қўшиб олинган шаҳарлари орқали Хитой билан, ғарбда денгиз йўли билан Эрон орқали Ўрта денгиз ҳавзасидаги Рим империяси шаҳарлари билан шимолда Хоразм ва Урал бўйи орқали Шарқий Европа билан савдо қилган. Далварзин шаҳрида сиёсий ҳокимият руҳонийлар қўлида бўлиб, подшо дунёвий раҳбар бўлиш билан бирга бош қоҳин ҳам эди. У кенг кўламда динлар аро мурасасизлик сиёсатини юргизган. Аҳоли асосан буддизимнинг махаяна (Ҳамма инсонларнинг ўзаро тенглиги) мазҳабига эътиқод қилган. Шунингдек мамлакатда Зардуштийлик (асосий қишлоқ аҳолиси дини) оташпарастлик, ҳиндуизм каби бошқа динлар ҳам мавжуд бўлган. Мамлакатда хунармандчилик, деҳқончилик, ички ва ташқи савдо кенг тараққий этган. Кушон салтанати таркибида бир неча мамлакатлар халқ ва элатларнинг бирлашуви турли

мамлакатлар ва халқлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқалар, диний бағрикенглик, ўзаро савдо алоқаларининг мустаҳкамланганлиги ҳақида илмий маълумотлар мавжуд.



2-расм. “Далварзинтепа” археология ёдгорлигидан лавҳа.

Бугунги кунда археологик объектларни музейлаштириш ва маданий туризм инфраструктурасида фойдаланиш муҳим вазифалардан саналади. Далварзинтепа ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари тарихи ва маданиятини ўрганиш долзарб масалалардан бири саналади, маълумки бу объект тузилиши, тарихи ва унинг таркибий қисмлари ўрганилган бўлсада, аммо сунгги йиллардаги олиб борилаётган археологик тадқиқотлар, объектнинг илмий тадқиқ қилиш заруратини оширмоқда. Неча асрлардан буён бу объект ўз бағрида кўплаб ноёб, нодир ва қадимий археологик, санъат ашёларини сақлаб келмоқда. Бу борада қадимги Далварзинтепа фаолияти тарихини илмий асосда ўрганиб чиқиш, чуқур таҳлил этиш ва археологик объектни мавжуд ҳолатида келажак авлод учун сақлаб қолиш режасини ишлаб чиққан ҳолда музейлаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу сабабли маданий мерос ёдгорликларини ҳамда Далварзинтепа археология ёдгорлигини сақлаш ва уни келажак авлодга етказиш ва ривожлантириш масалалари давлат даражасига кўтарилиб, бир қатор қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг:

- 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” 269-сон Қонуни;
- 2022 йил 16 февралдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кучайтирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 754-сон Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг:

- 2023-йил 1-июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида маданий мерос соҳасида давлат бошқарувини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-177-сонли қарори
- 2022 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сонли Фармони;
- 2021 йил 19 июндаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5150-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

- 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 975-сон қарори;
- 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли Қарори;
- 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 846-сон қарори;
- 2021 йил 3 мартдаги “Моддий маданий мерос объектлари ва юнесконинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 119-сонли Қарорлари қабул қилинди.
- 2022 йил 27 майдаги “Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-261-сон қарори;
- Ушбу қарорлар ижроси сифатида бир қатор археологик тадқиқотлар олиб борилди. 1994-2016 йиллар давомида япониялик олим Кюдзо Като раҳбарлигида воҳа ҳудудидаги Далварзинтепа, Эски Термиз ва Қоратепа сингари ёдгорликларда ўзбек-япон экспедицияси томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти илмий тадқиқот гуруҳи томонидан ҳар йили Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа ёдгорлигида археологик қазишмалар олиб борилади. 2014-йилда Б.А.Турғунов раҳбарлигида бошланган ДТ-33 қазиш участкасида 2015-йилда ҳам давом эттирилган (Турғунов, 2016) қазишма ишлари 2016-2020-йилларда бу ерда қазиш ишлари давом эттирилмади. ДТ-33 қазиш участкаси 2021-йилнинг қисқа мавсуми ишларида давом эттирилмоқда. Далварзинтепани тадқиқ этиш, ҳудуд тарихини ўрганиш ҳақида гап кетганда ушбу ҳудуддан 1972 йилнинг сентябрь ойида топилган олтин буюмларнинг катта ҳазинасини эътироф этиш лозим. Топилмаларнинг умумий оғирлиги 35 кг 713 г 96 мг бўлиб, 115 турдаги буюмлардан иборат бўлган. Ушбу топилмалар ўз қудратини Ўрта Осиёдан Ҳиндистонгача ёйган Кушон империясининг кўламини, шунингдек, бу давлатга хос бўлган маданиятлар уйғунлиги ва бағрикенгликни яққол намоён этади. Ушбу топилмалар Далварзинтепани ва унда тадқиқотлар олиб борган олимларни улуғлади ва дунёга машҳур қилди. Жумладан, 2022 йил ноябрь ойидан 2023 йил январь ойигача бутун дунёга машҳур Лувр музейидаги (Париж, Франция) ўтказилган кўргазмада ва 2023 йил 3 май куни Германия пойтахти Берлин шаҳридаги машҳур Музейлар оролида очилган кўргазмада Далварзинтепа топилмалари катта ўрин олган.
- Шўрчи туманида жойлашган Далварзинтепа археологик объекти кўп ўрганилган, тадқиқ этилган мавзулардан бири бўлишига қарамасдан, ҳозирда ёдгорликни муҳофаза қилиш ва сақлаш борасида маълум муаммолар мавжуд. Шаҳар ҳудуди 40 гектардан ортиқ майдонга эга бўлиб, унинг тарихи ва маданияти алоҳида ўрганилиб уларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга янада кенгроқ тарғиб қилиш лозим. Аммо, ёдгорлик ҳудуди маҳаллий аҳоли томонидан дехқончилик, хўжалик бинолари ва уй-жойлар қуриш мақсадида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, айниқса сўнгги йилларда бундай ҳолатларнинг кўпайиши ноёб маданий мерос обидасига тузатиб бўлмас зарар етказмоқда.

Далварзинтепа шаҳар харобаси ҳудудини маҳаллий аҳолининг ҳўжалик фаолиятдан ҳимоя қилиш мақсадида унинг атрофини камида 50 м бўлган буфер зонасини билан ўраш, шаҳар ташқи қисмида жоллашган қадимий ноёб дафн иншоотлари - наусларни (ДТ-14) ҳимояга олиш ва реставрация қилиш, Далварзинтепа археологик ёдгорлигини музейлаштириш, объектдан топилган экспонатларни таҳлил этиш ва нусхаларини музейлаштирилган ҳудудда жойлаштириш ишларини амалга оширишдан иборат.

Далварзинтепанинг музейлаштирилиши маданий мерос ёдгорликларининг музейлаштирилиши талаблари асосида қатъий амалга оширилиб, объектга объектив ва субъектив омилларини инобатга олган ҳолда тегишли чоралар кўрилиб, маданий мерос объектига зиён етказмаган ҳолда замон талабларига хос бўлган ғоявий, илмий ва бадиий жиҳатдан жавоб берувчи очиқ осмон остидаги музей яратиш, шунингдек, воҳанинг гўзал табиатидан келиб чиқиб у ерда сайёҳлик туризми йўналиши тизимини белгилаб беради.

ДАЛВАРЗИНТЕПА АРХЕОЛОГИЯ ЁДГОРЛИГИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ТУЗИЛМАСИ ҚЎЙИДАГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.

- Далварзинтепа ёдгорлиги тарихи бўлими (Кушон подшолигининг биринчи пойтахти);
- Далварзинтепа ёдгорлигининг ўрганилиш тарихи бўлими.
- Кушонлар даври иқтисодий-сиёсий ва маъмурий бошқаруви бўлими.
- Далварзинтепанинг махсус конструкция билан усти ёпилиб, атрофи пластик алюмин материаллар ёки шишали ойналар билан ёпилиб, музейлаштириладиган қисмлари:

- Дала белгиси ДТ-25 (Диний иншоот);
- Дала белгиси ДТ-5 65x40 метрлик майдон (зодагон уйи);
- Дала белгиси ДТ-6 35 метр квадрат майдон (зодагон уйи ҳамда қабр);
- Дала белгиси ДТ-14 63-48 метрлик майдон (дафн иншоотлари–науслар);
- Дала белгиси ДТ-2 35x30 метр;
- Дала белгиси ДТ-7 35x30 метрлик (диний иншоот);
- Дала белгиси ДТ-9 90x60 метрлик (кулоллар квартали–маҳалласи);

Ушбу маданий қатлам қисмлари майдонларида тўлиқ қазишма ишларини якунлаш, шўр ва намлик таъсирида маданий қатлам қисмлари зарар кўрмаслик учун дренажлар ўрнатиш, доимий археологик консервация ишларини олиб бориш, ушбу қисмлардан топилган ашёлар нусхаларини махсус майдонлар ичида жойлаштириш.

Далварзинтепа ёдгорлиги ҳудудини 3Д сеткалар билан ўраб олиш, ёдгорлик муҳофаза қисмини объектга бириктириш, ёдгорлик ҳақидаги кўп тилларда ёзилган маълумотлар бурчагини ташкил этиш, марказий дарвоза ҳамда қўшимча (махсус ҳудудларда) дарвозалар ўрнатиш, объектдаги музейлаштирилган ҳудудларда махсус ўша давр йўлакчаларини қуриш ва махсус транспортлар қатновини йўлга қўйиш.

Далварзинтепани ўрганиш ва музейлаштириш бой илмий ва назарий ва ноёб манбашунослик асосларига эгадир. Далварзинтепа ва унга туташ ҳудудларда шаклланган маданият, санъат, буддизм ва ислом динини ушбу ҳудудда қадимдан яшаган халқларнинг мафқурасини шакллашида тутган ўрни билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўзида мужассамлаштирган тарихий-меъморий, археология ёдгорликлари, нумизматика, эпиграфика буюмлари, қадимги қўлёзмалар, хаттотлик санъати намуналари каби моддий-маънавий мерос ёдгорликлари ва бошқа ашёлардир.

Археология, санъатшунослик, тарихшунослик манбалари ва эпиграфик битикларни

қайта таҳлил қилиш ва ўрганиш асносида нашр қилинган янги манбалар ва илмий адабиётлар.

Ушбу ҳудудда мавжуд бўлган ва айримлари ҳозирда вайронага айланиб йўқ бўлиб кетаётган археология ва тарихий-меъморий ёдгорликларнинг макетларидан иборат илмий ёрдамчи материаллар (моделлар, хариталар, схемалар, аксионометриялар, диаграммалар, таблицалар, фильмлар, видеороликлар).

III. ХУЛОСА.

Далварзинтепа археология ёдгорлигида олиб борилган археологик қазишма ишлари ёдгорликнинг нафақат Ўзбекистон ҳудудидаги балки халқаро миқёсида ҳам аҳамиятли ёдгорлик эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан бирга ёдгорликда ҳали очилмаган ва ўрганилиши керак бўлган ҳудудлар мавжудлиги янада кўпроқ қазишма ишлари ва изланишлар олиб борилиши, янги археологик топилмалар асосида янги илмий манбалар яратиш лозимлигини кўрсатади. Жаҳондаги йирик музейлаштирилган археология ёдгорликлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда археология объектлари музейлаштирилганда этнографик жиҳатларни очиб беришга урғу қўйиш шу объектга нисбатан туристлардаги қизиқишни янада кучайтиришга олиб келишини кўришимиз мумкин. Бирор миллатга оид бўлган миллий урф-одат ва анъаналарни дунёнинг турли нуқтасидан келган туристларга кўрсатиш ўз ўрнида ҳам қизиқарли, даромадли ҳисобланади. Бундан ташқари, туристларга хизмат кўрсатиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳам ижобий ҳолатлардан ҳисобланади. Ҳар бир туристга хизмат кўрсатиш орқали 4-5 кишини иш билан таъминлаши мумкин. Туризмни ривожлантиришдаги чора-тадбирлар давлат томонидан белгиланган. Уларни амалга ошириш учун катта маблағ ва мутахассисларга эҳтиёж каттадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ.

1. Боровкова Л.А. Кушанское царство (по древним китайским источникам).- М.: Институт востоковедения РАН, 2005.- С. 312.
2. Пугаченкова Г. А. Дальверзинтепе - Кирпич из построек //Ташкент. 1982. С.232
3. Пугаченкова Г.А., Ремпель Г.А. Искусство Бактрии эпохи Кушан.-М.:Искусство., 1979.-С.246.
4. Ремпель Л.И. Дальверзинтепе. Кушанский город на юге Узбекистана. //Ташкент: "Фан". 1978.- С.240.
5. Ртвеладзе Е. Дальварзинтепе - Кушанский город на Юге Ўзбекистане, Ташкент, 1978; с-64
6. Ртвеладзе Э. В. Великий шелковый пут. Ташкент: Ўзбекистон Миллий қомуси.,1999.-С.280.